

УЎК (УДК, UDC):821.512.133: 82-1  
DOI: 10.36078/1577701249

## XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА МУХАММАСЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАЗН ХУСУСИЯТЛАРИ



**Шахноза Мухитдиновна РАХМОНОВА**  
Ўқитувчи

Ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш кафедраси  
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат  
ўзбек тили ва адабиёти университети  
Тошкент, Ўзбекистон  
[shahnoza@navoiy-uni.uz](mailto:shahnoza@navoiy-uni.uz)

### Аннотация

Мазкур мақолада XX аср иккинчи ярми ўзбек адабиётида яратилган мухаммаслар таҳлил қилинган. Бу давр шоирлари Ҳабибий, Собир Абдулла ва Чустийнинг мустақил ва тахмис мухаммаслари ўрганилган, бу шеърларининг вазн ва жанр хусусиятлари, мавзу кўлами кўриб чиқилган. Шунингдек, Лутфий, Алишер Навоий, Фузулий ва Нодирағазалларига боғланган тахмислар ҳам тадқиқ этилган. Мақола муаллифи Ҳабибийнинг 111та, Собир Абдулланинг 91та, Чустий девонларидағи 107та мустақил ва тахмис мухаммасларни аниқлаб, ўрганган. Мухаммас яратишида XX аср иккинчи ярми шоирлари ижодида рамал баҳри (Ҳабибий ижодида 50та, Собир Абдулла девонида 39та, Чустий девонида 61та) фаол ҳисобланади. Рамал баҳри ўлчовлари орасида эса *рамали мусаммани маҳзуф (мақсур)* (– ∪ – – / – ∪ – – / – ∪ – (~)) вазни мухаммас ёзишда етакчилик қилиши таъкидланди. Мазкур вазнда Ҳабибийнинг 44та, Собир Абдулланинг 34та, Чустийнинг 52та мухаммаси ўрганилди. Шунингдек, анъянага мувоғиқ, одатда, ғазалга тахмис боғланаётганда унинг бандлари сони ғазал байтларига мос ҳолга келтирилади. Лекин баъзан шоирнинг хоҳишига кўра, ғазалдаги айрим байтларга тахмис битилмаслиги, яъни улар қисқартирилиши мумкин. Айнан шу ҳолат XX аср иккинчи ярми ўзбек шеъриятида яратилган тахмисларда ҳам кузатилади.

**Калит сўзлар:** аруз вазни; мухаммас; табии худ; тахмис; рамал; ҳазаж; мутакориб; ражаз; музориъ; мужтасс; хафиф; вазн.

## МУХАММАСЫ И ИХ МЕТРИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ В УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ ВТОРОЙ ПОЛОВИНЫ XX ВЕКА

**Шахноза Мухитдиновна РАХМОНОВА**  
Преподаватель

Кафедра преподавания узбекского языка и литературы  
Ташкентский государственный университет  
узбекского языка и литературы  
имени Алишера Навои  
Ташкент, Узбекистан

[shahnoza@navoiy-uni.uz](mailto:shahnoza@navoiy-uni.uz)

### Аннотация

В статье анализируются пятистишия (мухаммасы) в узбекской литературе, созданные во второй половине XX века. Исследуется метр, жанр и тематический объем пятистиший тахмисов (пятистишия, написанные на газели) таких поэтов, как Хабиби, Сабир Абдулла и Чусти. Также изучаются тахмисы, написанные на газели Лутфи, Навои, Фузули и Нодира. Для анализа выбрано 111 муhamмасов Хабиби, 91 – Собира Абдуллы и 107 – диванов Чусти. В творчестве поэтов второй половины XX века метр *рамаль* считался наиболее распространенным. Среди *рамала* размер *рамали мусаммани маҳзуф (максур)*(– ∪ – –/– ∪ – –/– ∪ – –/– ∪ – (~)) считался ведущим для создания муhamмасов. В статье изучаются муhamмасы, написанные данным размером: 44 муhamмасов из творчества Хабиби, 34 – Собира Абдуллы и 52 – Чусти. В соответствии с традицией, когда на основе газели пишется тахмис, бейт (двустишие) газели обычно сохраняется. Но иногда по желанию поэта на некоторые байты газели не пишутся тахмисы. Именно такой вариант встречается в тахмисах узбекской литературы второй половины XX века.

**Ключевые слова:** аруз (система стихосложения), муhamмас (пятистишие), таъби худ, тахмис, рамаль, хазадж, мутакориб, раджаз, музориъ, муджтасс, хафиф, стихосложный размер.

## MUHAMMASES AND THEIR METRIC FEATURES IN UZBEK POETRY IN THE SECOND HALF OF THE TWENTIETH CENTURY

**Shahnaza Mukhitdinovna RAKHMONOVA**

Teacher

Department of Teaching the Uzbek Language and Literature  
Alisher Navoi Tashkent State University of the  
Uzbek Language and Literature  
Tashkent, Uzbekistan  
[shahnoza@navoiy-uni.uz](mailto:shahnoza@navoiy-uni.uz)

### Abstract

In this article the mukhammas (five verses stanza) in Uzbek literature created in the second half of the twentieth century are analyzed. The metric genre and thematic volume of independent five-lined stanzas and takhmis (a poem where first stanza is taken as a model and added next 3 lines keeping the model of the original lines) of poets of this era like Khabibi, Sabir Abdullah and Chusti are investigated. Takhmis poems of the creation of Lutfi, Navai, Fuzuli and Nodira also have been explored. There are 111 mukhammas from the work of Khabibi, 91 from Sobir Abdulla and 107 from Chusti' have been specified by the author. It is reported that in the work of poets of the second half of the twentieth century, the Ramal meter was considered very commonly used. The creation of mukhammas mainly appeared in the sub-meter of ramali musammani makhzuf (maksur) (– ∪ – –/– ∪ – –/– ∪ – –/– ∪ – (~)) of Ramal meter. For instance, the author points out 44 mukhammas from the works of Khabibi, 34 from Sabir Abdullah and 52 from Chusti. According to tradition, when a gazelle is converted into a takhmis, the number of stanzas of a gazelle is usually kept unchanged. Nevertheless, sometimes, poet may not favour the structure and takhmises are not created for some bytes of the gazelle. It is this case that occurs in the takhmis of Uzbek literature in the second half of the twentieth century.

**Keywords:** metric aruz (versification system); mukhammas (five verses); tabi khud; takhmis; ramal; hazaj; mutakarib; rajaz; musari; mujtass; bakhr hafif; metric (versatile size)

### Кириш

ХХ аср иккинчи ярми шеъриятида мухаммас ўзига хос ўринга эга. “Мухаммас 5 мисрали бандлардан иборат шеърий шакл бўлиб, унда биринчи банднинг барча мисралари ўзаро қофияланади: кейинги бандларда эса аввалги тўрт мисра ўзаро қофияланиб, бешинчи мисра биринчи банд билан қофиядош бўлади (10, 274). Умуман, мухаммас арабча “бешлик” (12, 17) яъни, ҳар банди 5 мисрадан иборат шеър шакли бўлиб, *a-a-a-a-a*, *b-b-b-b-a* тарзида қофияланади. Бандларнинг охирида шоир тахаллуси ҳам келтирилади. Туркий шеъриятда дастлабки мухаммаслар Ҳофиз Хоразмий (XIV аср), Юсуф Амирий (17) ижодида учрайди. Мухаммас ХХ аср иккинчи ярми шоирлари ижодида ҳам, хусусан, Ҳабибий ижодида 111та, Собир Абдуллада 91та, Чустий девонларида 107та учрайди. Ушбу жанр яратилиш хусусиятига қўра иккига бўлинади:

1. Мустақил (табъи худ) мухаммаслар — бир шоирнинг ўзи томонидан яратилади. Бунда ижодкор бошқа шоир шеърини асос қилиб олмайди, балки ўзи мустақил равишда бешлик яратади.

2. Тахмис — муаллиф ўзга шоир ёки баъзида ўз ғазалини асос — замин қилиб олиб, шу мавзуни давом эттирган ҳолда, вазн, қофия ва радифни сақлаб қолиб бешлик яратади. Бунда асос қилиб олинган ғазалдаги ҳар байтнинг юқори қисмига уч мисра қўшилади. Мақтаъ бандда тахмис боғланаётган шоирнинг тахаллуси ҳам келтирилади (16, 143). Тахмисни адабиётимизда тараққий эттирган шоир Алишер Навоий ҳисобланади. Ушбу жанрнинг ҳар иккала тури ҳам ХХ аср иккинчи ярми шоирлари ижодида кенг истифода этилган. Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий ижодидаги мухаммаслар аруз вазнининг рамал, ҳазаж, мутакориб, ражаз, музориъ, мужтасс, хафиф баҳри ўлчовларида битилган.

**Адабиётлар шарҳи.** Ўзбек шеъриятида мухаммаслар ва уларнинг вазн хусусиятлари ҳақида бир қанча назарий манбалар мавжуд. Бундан ташқари, ёзувчиларнинг девонларида бунга мисоллар бор. Жумладан, Алишер Навоий. Ҳазойин ул-маоний: Бадоеъ ул-васат (1990), Абдулла С. Девон (1965), Фузулий. Девон (1968), Ҳабибий. Девон (1975), Носиров О. ва бошқ. Ўзбек классик шеърияти жанрлари (1979), Лутфий. Сенсан севарим (1987), Чустий. Ҳаётнома (1988), Чустий. Садоқат гуллари (1992), Чустий. Кўнгил тилаги (1994), Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати (1998), Нодира. Девон (2001), Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати (2008), Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси (2008), Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш (2008), Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати (2008), Юсупова Д. Аруз вазни қоидалари ва мумтоз поэтика асослари (2019).

**Тадқиқот методлари.** Мақолада асосан қиёсий ва қиёсий-тариҳий методлардан фойдаланилди. Бу эса ўз навбатида XX аср иккинчи ярми ўзбек шеъриятида мухаммаслар ва уларнинг вазн хусусиятларини мумтоз адабиётдаги вазнлар билан қиёслаш орқали хулосалар чиқариш имконини берди.

**Олинган натижалар ва асосий қисм.** Мухаммас яратишида XX аср иккинчи ярми шоирлари ижодида рамал баҳри (Ҳабибий ижодида 50та, Собир Абдулла девонида 39та, Чустий девонида 61та) фаол ҳисобланади. Рамал баҳри ўлчовлари орасида эса *рамали мусаммани маҳзуф (мақсур)* ( $- \cup - / - \cup - / - \cup - / - \cup - / - \cup - (\sim)$ ) вазни мухаммас ёзишда етакчилик қиласиди. Мазкур вазнда Ҳабибийнинг 44та, Собир Абдулланинг 34та, Чустийнинг 52та мухаммаси яратилган. Ушбу вазнни Ҳабибий “Девон”идан олинган “Хабардор айладинг” мухаммаси орқали кўриб ўтамиз. Мухаммас қўйидаги банд билан бошланади:

*Ғамза бирла бир боқиб жоно, мени ёр айладинг,  
Ошиқи содиқларинг қошида ҳам бор айладинг,  
Қўнглим овлаб маҳрами асрори дийдор айладинг,  
Лаҳза-лаҳза марҳаматларга сазовор айладинг,  
Мехру-шафқат қанча бўлса дилда изҳор айладинг (11, 353).*

каби банддан англашиладики, мустақил мухаммас Ҳабибийнинг ўзи томонидан яратилган. Шоир мустақил мухаммасида бошқа шоир шеърини асос қилиб олмаган, аксинча, ўзи мустақил равишда бешлик яратган. Мустақил мухаммас *Рамали мусаммани маҳзуф (мақсур)* (рукнлари ва тақтизи: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилун*  $- \cup - / - \cup - / - \cup - / - \cup - (\sim)$ ) вазнида яратилган бўлиб, *a-a-a-a-a, b-b-b-b-a* (бошқа мисраларда) тарзида қофияланган. *Ёр, бор, дийдор, сазовор, изҳор* қофиядош сўзларидаги “р” ундоши равий ҳисбланиб, барча мисраларини бириктириб, ўзаро боғлаб турибди. “Айладинг” радифи эса матлаъ ва ҳар қайси байт охирида такрорланиб келган. Мустақил мухаммаснинг иккинчи банди *рамали мусаммани мақсур* ( $- \cup - / - \cup - / - \cup - / - \cup - \sim$ ) вазнида ёзилган.

XX аср иккинчи ярми шеъриятида *рамали мусаммани маҳзуф (мақсур)* ( $- \cup - / - \cup - / - \cup - / - \cup - (\sim)$ ) вазнида ёзилган мухаммаснинг тахмис тури ҳам ўзига хос мавқеъга эга. Тахмис ҳам мухаммаснинг бир тури бўлиб, кўпинча бирон ғазал асосида ёзилади. Бунда муайян ғазалнинг ҳар бир байти олдидан учтадан янги мисра қўшилади. Мумтоз адабиётимизда шоирларнинг ўз ғазалларига ҳам (Алишер Навоий, Кошки), бошқа муаллифларнинг ғазалларига ҳам мухаммас боғлаганликлари маълум. Д. Юсупованинг

“Алишер Навоий тахмислари” мақоласида таъкидлашича, Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний”га киритилган 10 мухаммасидан барчasi тахмис, яъни ғазални бешлантириш асосида вужудга келган мухаммас ҳисобланади. Буларнинг Зтаси “малик ул- калом” Лутфийга, қолган 7таси эса шоирнинг ўз ғазаллари асосида яратилганлиги билан характерланади. Мумтоз адабиётимиз тарихида ижодкорнинг ўз ғазалига тахмис битиш ҳодисаси кам учрайди (17). Анъанага мувофиқ XX аср иккинчи ярми шеъриятида ҳам тахмис боғланган ғазалнинг вазни ва қофияси сақлаб қолинган. *Рамали мусаммани маҳзуф (мақсур)* вазнида ёзилган мухаммаснинг мазкур тури Ҳабибий ижодида 5та, Собир Абдуллада 1та, Чустий ижодида 3та учрайди.

Ҳабибий Алишер Навоий, Фузулий (2та), Фурқат, Собир Абдулланинг мазкур вазнда битилган ғазалларига, Собир Абдулла фақат Муқимиининг “Ошкор ўлғай сирим” радифли ғазалига, Чустий Фузулийнинг 2та ва Муқимиининг 1та ғазалига тахмис боғлаган. Шу ўринда Ҳабибийни Алишер Навоийнинг “Бадоеъ ул-васат” девонидан олинган 566-рақам остидаги ғазали (3, 298) боғлаган тахмисини таҳлил қилиб кўрамиз. Алишер Навоийнинг мазкур ғазали 7 байт бўлиб, аruz тизимининг *Рамали мусаммани маҳзуф (мақсур)* (рукнлари ва тақтизи: *фоилотун фоилотун фоилотун фоилун (фоилон)* – – – / – – – / – – – / – – – (~)) вазнида ёзилган. Ҳабибий ғазалга тахмис боғлаш жараёнида унинг вазнини сақлаб қолган. Зеро, ғазалга тахмис боғланганда унда қўлланилган вазнни сақлаб қолиш ҳам тахмиснависликнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Қуйида мухаммаснинг биринчи бандини мисол сифатида келтирамиз:

*Васлидин қилдим умид, андишайи хомим била,  
Келмади бир йўл кутиб таклифи эъломим била,  
Қайда бўлсин шодлиг бу қора айёмим била,  
Бир қадаҳ май ичмадим сарви гуландомим била,  
Бир нафас уйрулмади даврон менинг комим била(11, 390).*

сингари бандда ажратиб қўрсатилган мисралар Алишер Навоий қаламига мансуб бўлиб, юқоридаги уч мисра Ҳабибий томонидан битилган. Тахмиснинг қофияланиш тизими: *a a a a a* шаклидадир. Қофия асосини равий ҳарфи ташкил қилган. Тахмисда равий: *хомим*, *эъломим*, *айёмим*, *гуландомим*, *комим* қофиядош сўзларидағи “м” ундоши ҳисбланиб, барча мисраларини бириктириб, ўзаро боғлаб турибди. “Била” радифи эса матлаъ ва ҳар қайси байт охирида тақрорланиб келган. Ҳабибий тахмисида худди Алишер Навоий ғазали сингари 1–, 3–, 4– ва 7–мисралари *рамали мусаммани маҳзуфда* бўлса,

қолган 2, 5, 6-мисралар эса *рамали мусаммани мақсур* вазнида яратилган. Шунинг учун биз тахмиснинг вазнини ҳам *рамали мусаммани маҳзуф* ҳам *рамали мусаммани мақсур* вазни деб белгиладик. Ҳабибий тахмис яратишида Алишер Навоийнинг “Бадоєъ ул-васат” девонидан олинган 566-рақам остидаги ғазалнинг барча байтларидан фойдаланган. Шуни таъкидлаш лозимки, ғазалнинг барча байтларига тахмис боғлаш адабиётимизда кам учрайди.

Навбатдаги вазн *рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф* (○○—/○○—/○○—/○○—/○○—) ҳисобланиб, Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий шеъриятида мустақил (табъи худ) мухаммаслар учрамайди (Муаллифдан: Ҳабибийнинг Зта, Чустийнинг 1та ғазали, Собир Абдулланинг битта ғазали ва ғазал-қитъаси *рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф* вазнида ёзилган). Факат Собир Абдулла Лутфийнинг “Сенсан севарим...” девонидаги “Бу кўнгулдур — бу кўнгул” (6, 146) радифли ғазалига тахмис боғлаган. Лутфийнинг “Бу кўнгулдур — бу кўнгул” радифли ғазали *рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф(мақсур)* (руқнлари ва тақтизи: *фаилотун фаилотун фаилотун фаилун* ○○—/○○—/○○—/○○—/○○— (○○ ~) (Лутфийнинг “Бу кўнгулдур — бу кўнгул” ғазалининг 1, 2, 3, 4, 5-байти рамали мусаммани маҳбуни маҳзуфда, 6-байтининг биринчи мисраси рамали мусаммани маҳбуни мақсурда, 7-байтининг биринчи мисраси эса рамали мусаммани маҳбуни мақтуъ) ўлчовида битилган. Собир Абдулла ҳам Лутфийнинг “Бу кўнгулдур — бу кўнгул” радифли ғазалига тахмис боғлашда вазнни сақлаб қолган.

Собир Абдулла:

*Ишқ даъво қиласидирган бу кўнгулдур бу кўнгул,*

*Мехр пайдо қиласидирган бу кўнгулдур бу кўнгул,*

*Гаҳи ғавғо қиласидирган бу кўнгулдур бу кўнгул,*

Лутфий:

*Мени шайдо қиласидурғон бу кўнгулдур бу кўнгул,*

*Хору расво қиласидурғон бу кўнгулдур бу кўнгул* (1, 208).

Келтирилган тахмис аruz тизимишининг *рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф* (*мақсур*) (руқнлари ва тақтизи: *фоилотун фаилотун фаилотун фаилун* —○—/○○—/○○—/○○—/○○—/○○— (○○ ~) (Лутфийнинг “Бу кўнгулдур — бу кўнгул” ғазалининг 1—, 2—, 3—, 4—, 5—байти рамали мусаммани маҳбуни маҳфузда, 6-байтининг биринчи мисраси *рамали мусаммани маҳбуни мақсурда*, 7-байтининг биринчи мисраси эса *рамали мусаммани маҳбуни мақтуъ*) ўлчовида битилган. Эътибор билан қаралса, Лутфийнинг ғазалида ўта чўзик хижо деярли

учрамайди. Лекин Собир Абдулланинг мисрасида (*ишиқ, меҳр*) бу ҳолатни кузатамиз. Анъанага мувофиқ, одатда, ғазалга тахмис боғланаётганда унинг бандлари сони ғазал байтларига мос ҳолга келтирилади. Лекин баъзан шоирнинг хоҳишига қўра, ғазалдаги айрим байтларга тахмис битилмаслиги, яъни улар қисқартирилиши мумкин (17). Айнан шу ҳолат юқоридаги тахмисда ҳам кузатилади. Тахмисга асос бўлган Лутфий ғазали аслида ҳажман 7 байтдан иборат. Аммо тахмис боғланганда унинг икки байти қисқартирилиб, 4 банд ҳолига келтирилган. Собир Абдулла тахмисида Лутфий ғазалининг 2–, 3–, 6–байтлари учрамайди. Шунингдек, Лутфийнинг “Бу кўнгулдур — бу кўнгул” ғазалидаги мақтаъда баъзи сўзларнинг Собир Абдулла томонидан ўзгартирилганини гувоҳи бўлдик. Хусусан, Лутфийда “кўрмаки кўзин” бўлса Собир Абдуллада “кўрма кўзингни” ёки “айни дарё” сўз бирикмасининг ўрнига “уни дарё” жумласи қўлланилган. Натижада вазнда ҳам ўзгариш содир бўлган.

Навбатдаги ўлчов рамал баҳрининг мусаддас ўлчовлари хисобланиб, булар *рамали мусаддаси маҳзуф* (— $\cup$  — — $\cup$  — — $\cup$  —) ва *рамали мусаддаси мақсур* (— $\cup$  — — $\cup$  — — $\cup$  ~) дир. *Рамали мусаддаси маҳзуф (мақсур)* (— $\cup$  — — $\cup$  — — $\cup$  —( $\cup$  ~)) вазнида Собир Абдулла 1та мустақил мухаммас ва тахмис, Чустий 9та мустақил (табъи худ) ва 1та тахмис мухаммаслар яратган. Собир Абдулланинг тахмиси Нодиранинг “Эҳтиёж” радифли ғазалига боғланган. Тахмисга ғазалнинг 5-, 6-, 7-, 8-байтлари (6, 94) киритилмаган, қолган байтлари шеърдан ўрин эгаллаган. Тахмис қўйидаги банд билан бошланади:

*Айлагай ғамга гирифтор эҳтиёж,  
Ҳам қилур түнларда бедор эҳтиёж,  
Қилса ҳам мажбуруу ночор эҳтиёж,  
Қилмагил зинхор изхор эҳтиёж —  
Ким, азиз элни қилур хор эҳтиёж (1, 175).*

каби банд рамали мусаддаси мақсур (рукилари ва тақтиъи: *фоилотун фоилотун фоилон* – $\cup$  – –/– $\cup$  – –/– $\cup$ ~)да ёзилган. Мухаммаснинг ажратилган қисми Нодира қаламига, юқоридаги уч мисра эса Собир Абдуллага тегишилдирилган. Тахмис (Собир Абдулла тахмиснинг мақтаъсида “*Комила*” сўзи “*Нодира*” жумласига ўзгартирилган. Асл матнда эса “*Комила*” қўлланилган)га эътибор қаратсан, мисралар таркибида *фоилотун* (– $\cup$  – –) аслининг кетма-кет тақрорланиб келиши ёқимли оҳангни вужудга келтирган. Ҳабибий ғазалиётида мазкур вазнда ёзилган тахмислар учрамайди.

XX аср иккинчи ярми шеъриятида мухаммас яратишида иккинчи баҳр ҳазаж ҳисобланиб, Ҳабибийда 22та, Собир Абдуллада 17, Чустийда 38та мухаммас учрайди. XX аср иккинчи ярми шеъриятида мухаммас яратишида ҳазаж баҳри ўлчовлари орасида ҳазажи мусаммани солим ( $\cup --- | \cup --- | \cup --- | \cup ---$ ) вазни етакчилик қиласи. Мазкур вазнда Ҳабибийнинг 19та, Собир Абдулланинг 16та, Чустийнинг 29та мухаммаси мавжуд. Масалан, Ҳабибийнинг “Жононимга” мухаммаси ҳазажи мусаммани солим вазни намунаси ҳисобланади ва қуидаги банд билан бошланади:

*Баён эт, эй сабо, арзимни бир-бир жоножсонимга,  
Қулоқ согай қачон булбул каби чеккан фигонимга,  
Сингиб кетган шарафли меҳру қону устихонимга,  
Хўжум этгай рақиблар бир балокаи хаста жонимга,  
Жунун таъсир этар деб қўрқаман покиза қонимга (11, 345).*

XX аср иккинчи ярми шеъриятида, хусусан, биз тадқиқ қилаётган шоирлар ижодида ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган тахмис мухаммаслар ҳам учрайди. Жумладан, Ҳабибий Фурқатнинг ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган ғазалига, Чустий Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги 243 –“этмиш” радифли ғазалига, шунингдек, Муқимиининг “Бир менму” ғазалига тахмис боғлаган. Ҳабибий ҳам, Чустий ҳам ғазалларга тахмис боғлаш жараёнида вазнини сақлаб қолган.

Навбатдаги Ҳазажи мусаммани мусаббаг вазни ҳисобланиб, Ҳабибийнинг 1 та, Собир Абдулланинг 1та, Чустийнинг 2та мустақил ва 1та тахмис мухаммаси мавжуд.

*Саёҳат айладим, кўрдим ажойиб ранг-баранг ялқов,  
Буюрсанг андаки бир ишини, қўзғалгай аранг ялқов(11, 425).*

Ёки:

*Сочиб ўт, комига тортар кишини, аждаҳои нафс,  
Ютиида баъзиларда аждаҳодан зўр балои нафс(2, 103).*

Ёки:

*Табиат меҳрибонлик бирла бергай меҳрибон фарзанд,  
Бўлур орзу жаҳонингдан кишига армугон фарзанд(15, 281).*

сингари мустақил мухаммас матлаълари ҳазажи мусаммани мусаббаг (руқнлари ва тақтизи: мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун  $\cup --- / \cup --- / \cup --- / \cup --- ~$ )да бўлса, Чустий Фузулийнинг мазкур вазнданаги

“ўландан сўр” (9, 127) радифли ғазалига тахмис боғлаган. Тахмис боғлаш жараёнида Чустий Фузулий ғазалининг вазни, қофияси ва радифини сақлаб қолган.

Чустий:

*Тиканлар нишини заҳрини гулга ёр ўландан сўр,  
Муҳаббат лолазорин кўзлари хунбор ўландан сўр,  
Фироқинг дардини ҳар дам давога зор ўландан сўр,*

Фузулий:

*Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,  
Зилоли шавқ завқин ташнаи дийдор ўландан сўр(16, 390).*

Тахмисдан келтирилган парчадан кўриниб турибдики, мисраларда 1–, 2–, 3–рукни — мафоийлун, сўнгги 4–рукни эса худди ғазалнинг охирги рукнига ўхшаб мафоийлон асли билан ифодаланган. Мухаммасда 4та қисқа, 11та чўзиқ, 1та ўта чўзиқ ҳизо қатнашган. Чустий ғазалга тахмис боғлаш жараёнида байтларнинг барчасидан фойдаланган.

Навбатдаги вазн ҳазажи мусаммани аштар бўлиб, Собир Абдулла 4та мустақил мухаммасини ёзган. Мазкур ўлчовда яратилган мухаммас намуналари Ҳабибий, Чустий ижодида учрамайди. Хусусан, Собир Абдулланинг “Беғараз насиҳат” мухаммасининг дастлабки банди қуйидагича бошланади:

*Калта ўйламай шеър ёз, ўйлашиб узун ҳал қил,  
Якка-дукка гап тузмай, сатрини муфассал қил,  
Бўлма камбағал, тилга бойлигинг мукаммал қил,  
Маънили, ширинликдан ҳалқни унга маҳтал қил,  
Умruzоқ асарлардан сен ўзингга ҳайкал қил(2, 129).*

Англашиладики, келтирилган банд ҳазаж баҳрининг ҳазажи мусаммани аштар ( $- \cup - | \cup - - - | - \cup - | \cup - - -$ ) ўлчовида яратилган бўлиб, панд-насиҳат мавзусида ёзилган. Мухаммаснинг 1– ва 3–рукни мафоийлун аслининг аштар тармоғи — *фоилун* ( $- \cup -$ )га ҳамда иккинчи ва тўртинчи рукнлар эса солимига teng. Мухаммас бандидаги муфассал-мукаммал сўзлари таносубни ясаса, калта-узун, камбағал-бой сўзлари эса ўзаро зид маъноларни ифодалashi билан тажнисни вужудга келтиради.

XX аср иккинчи ярми шеъриятида ҳазаж баҳрининг мусамман вазнлари ҳазажи мусаммани ахраб (Ҳабибийда 3та, Собир Абдуллада 3та, Чустийда 1 та), ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф (Ҳабибийда 1та, Собир

Абдуллада 3, Чустийда 2та), ҳазаж бахрининг мусаддас ўлчовлари ҳазажи масаддаси маҳзуф (Ҳабибийда 6 та, Собир Абдуллада 4та), ҳазажи мусаддаси мақсур (Ҳабибийда 1та, Чустийда 2та) вазнларидағи мухаммаслар ҳам учрайди.

Навбатдаги вазн мужтасси бахрига тегишли бўлиб, мужтасси мусаммани маҳбуни маҳзуф, мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ ўлчовларидир. Бу ўлчов турлари шеъриятимизда фаол қўлланилиши билан ажралиб туради. *мужтасси мусаммани маҳбуни маҳзуф* (↑—↑—| ↑↑—| ↑—↑—| ↑↑—) вазнида Ҳабибийнинг 4та, Собир Абдулланинг 9та мустақил мухаммаси яратилган. Мазкур вазнда биз тадқиқ қилаётган шоирлар ижодида тахмис учрамайди.

*Мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ* (↑—↑—/ ↑↑—/ ↑—↑—/ —) да ҳам Ҳабибий (3та мустақил мухаммас ва 1та тахмис), Собир Абдулла (2та мустақил мухаммас)

*Ҳамиша ишқ эли ўз ёридин висол истар,*

*Висоли шавқида йўл фикр ила хаёл истар* (11, 431).

Ёки:

*Қоғоз саҳифасига чек қалам, баён ширин,*

*Ширин баён ила мазмун борур равон: ширин*(1, 231).

каби байтларини ёзган бўлса, Чустий ушбу вазнда яратган тахмисини Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сифар” девонидаги 371–ғазалига боғлади. Ғазал қуйидаги байт билан бошланади:

*Қаро кўзум келу мардумлуг эмди фан қилгил,*

*Кўзум қаросида мардум кеби ватан қилгил*(4).

деб бошланувчи матлаъдаёқ маълум бўладики, ғазал аруз тизмининг мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ яъни мафоилун – файлутун – мафоилун – фаълун ўлчовида ёзилган. *aa, ab* тарзида қофияланган. Чустий ҳам ғазалга боғлаш жараёнида ғазалининг вазнини, қофия тизимини сақлаб қолган. Биламизки, Алишер Навоий ғазалининг радифи “қилғил” соф туркийча сўз бўлиб, Чустийнинг ҳам тахмисида радиф сифатида такрорланади.

*Қуёши юзимкелу бир тарки моуман қилгил,*

*Ширин сўзим келу йўл ширинсухан қилгил,*

*Фидо ўзум, келу бир раҳми жону тан қилгил* (16, 386).

Чустий Алишер Навоийнинг ғазалида келтирилган фикрларни мантиқан ривожлантириб, уни ўз ижодий ғоялари билан тўлдирган. Шу сабабли Чустийнинг тахмиси унга асос бўлган ғазал билан уйғунлашиб кетган.

## Хулоса

XX аср иккинчи ярми шеъриятида *музориъий мусаммани ахраб* (Ҳабибийда 2та, Собир Абдуллада 3та, Чустийда 5та), *музориъий мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф* (Ҳабибийда 3та, Чустийда 1та), *мутақориби мусаммани маҳзуф* (Ҳабибийда 3та, Собир Абдуллада 1та, Чустийда 1та мустақил мухаммас), ражази мусаммани солим (Чустий 1та мустақил мухаммас), хафиши мусаддаси солими маҳбуни маҳзуф (Чустийда 1та) вазнларида мустақил мухаммаслар битилган. XX аср иккинчи ярми шеъриятида, хусусан, Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий ижодида яратилган мухаммасларнинг ҳар икки тури ҳам аruz тизимининг вазн талаблари асосида битилган. Фақат, Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий шеъриятида музориъ, ражаз, хафиҳ баҳрлари вазнида ёзилган тахмислар учрамайди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдулла Собир. Девон. — Тошкент: Бадиий адабиёт, 1965. — 315 б.
- 2 Абдулла Собир. Танланган асарлар. 4 томлик. 2-том. — Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1976. — 288 б.
- 3 Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний: Бадоев ул-васат. МАТ. 20 томлик. — Тошкент: Фан, 1990. — 764 б.
- 4 Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний: Faroib us-sigar. [http://n.ziyuz.com/books/alisher\\_navoiy\\_asarlari/Alisher%20Navoiy.%20Xazoinul%20ma'oniy.%20G'aroyib%20us-sig'ar.pdf](http://n.ziyuz.com/books/alisher_navoiy_asarlari/Alisher%20Navoiy.%20Xazoinul%20ma'oniy.%20G'aroyib%20us-sig'ar.pdf). 21.08.19.
- 5 Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси. — Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. — 430 б.
- 6 Лутфий. Сенсан севарим. — Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1987. — 352 б.
- 7 Нодира - Комила. Девон. — Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси, 2001. — 349 б.
- 8 Носиров О. ва бошқ. Ўзбек классик шеърияти жанрлари. — Тошкент: Ўқитувчи, 1979. — 184.
- 9 Фузулий. Девон. Икки жилдлик. Биринчи жилд. — Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1968. — 384 б.
- 10 Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. — Тошкент: Шарқ, 2008. — 368 б.
- 11 Ҳабибий. Девон. — Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1975. — 536 б.
- 12 Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият лугати. — Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. — 195 б.
- 13 Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи лугати. — Тошкент: Шарқ, 1998. — 224 б.
- 14 Чустий. Кўнгил тилаги. — Тошкент: Фан, 1994. — 255 б.
- 15 Чустий. Садоқат гуллари. — Тошкент: Внешторгиздат, 1992. — 344 б.
- 16 Чустий. Ҳаётнома. — Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1988. — 488 б.

17 Юсупова Д. Алишер Навоий тахмислари. <http://www.e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/1267-maqola.html>. 21.08.19.

18 Yusupova D. Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari. — Тошкент: Ta‘lim-Media, 2019. — 184 б.

#### REFERENCES

1. Abdulla Sobir, *Devon*, Tashkent: Artistic literature, 1965, 315 p.
2. Abdulla Sobir, *Tanlangan asarlar* (Selected works) Vol. 2. Toshkent: Literature and art named after Gafur Gulom, 1976, 288 p.
3. Alisher Navoiy. *Xazoyin ul-maoniq: Badoe' ul-vasat*. MAT. Vol. 10., Tashkent: Science, 1990, 764 p.
4. Alisher Navoiy. *Xazoyin ul-maoniq: Garoyib us-sigar*.[http://n.ziyuz.com/books/alisher\\_navoii\\_asarlari/Alisher%20Navoiy.%20Xazoinul%20ma'oniy.%20G'aroyib%20us-sig'ar.pdf](http://n.ziyuz.com/books/alisher_navoii_asarlari/Alisher%20Navoiy.%20Xazoinul%20ma'oniy.%20G'aroyib%20us-sig'ar.pdf).
5. Boltaboev H. *Sharq mumtoz poetikasi* (Classical poetics of the East), Toshkent: National Encyclopedia of Uzbekistan, 2006, 430 p.
6. Lutfiy. *Sensan sevarim*(I love you), Toshkent: Literature and art named after Gafur Gulom, 1987, 352 p.
7. Nodira - Komila. *Devon*, Toshkent: People's heritage named after Abdulla Qadiri, 2001, 349 p.
8. Nosirov O., va boshq. *Uzbek klassik she'riyati janrlari* (Nasirov A. and et al. Genres of Uzbek classical poetry), Toshkent: Teacher, 1979, 184 p.
9. Fuzuliy. *Devon*, Vol.1. Toshkent: Literature and art named after Gafur Gulom, 1968, 384 p.
10. Xudoyberdiev E., *Adabiyotshunoslikka kirish* (Introduction to literature) Toshkent: East, 2008, 368 p.
11. Habibiy. *Devon*. Toshken: Literature and art named after Gafur Gulom, 1975, 536 p.
12. Hojiahmedov A. *Mumtoz badiiyat lugati* (Dictionary of classical artistry), Toshkent: New century generation 2008, 195 p.
13. Hojiahmedov A. *Uzbek aruzi lugati* (Dictionary of Uzbek aruz), Tashkent: East, 1998, 224 p.
14. Chustiy. *Kungil tilagi*(Wish of life), Tashkent: Science 1994, 255 p.
15. Chustiy. *Sadoqat gullari* (Flowers of Fidelity), Toshkent: Vneshtorgizdat, 1992, 344 p.
16. Chustiy. *Hayotnomal* (Life Letter),Toshkent: Literature and art named after Gafur Gulom, 1988, 488 p.
17. Yusupova D., *Alisher Navoiy taxmislari* (Tahmis of Alisher Navoi),available at<http://www.e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/1267-maqola.html>.
18. Yusupova D., *Aruz vazni qoidalari va mumtoz poetika asoslari* (Rules of Aruz weight and the basics of classical poetics), Toshkent: Education-Media, 2019, 184 p.